


II. НАРХЛАР

2019 йилнинг январь-март ойларида истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари ўртача 4,3 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси, %



2019 йилнинг январь ойи давомида истеъмол нархлари даражаси ўртача 1,5 %, февралда 1,6 %, мартда 1,2 % га кўтарилган.

Таққослаш учун: 2018 йилнинг январида истеъмол нархлари ой давомида 2,7 %, февраль ва март ойларида 1,1 % дан ошган. Умумий ҳисобда 2018 йилнинг январь-март ойлари давомида республика истеъмол секторидаги нархларнинг ўсиш суръати 4,9 % ни таъкил этган.

2019 йилнинг I чорагида товарлар ўртача 4,8 %, хизматлар 2,5 % га қимматлашган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси, %


2018 й.

2019 й.

Ўтган ойга нисбатан



Ўтган йилнинг декабрига нисбатан



2019 йилнинг январь ва февраль ойларида товарлар 1,8 % дан қимматлашиб, март ойида эса нархлар бирмунча паст суръатда ошган (ой давомида 1,2 %)

Таққослаш учун: 2018 йилнинг январидан 2019 йилнинг январь ойидаги нархларга нисбатан сезиларли даражада ошган (3,0 % га қарши 1,8 %). Февраль ва март ойлари давомида эса товарлар нархлари ўсиши ҳар ойда 1,2 % ни таъкил этган. Умумий ҳисобда 2018 йилнинг январь-март ойлари давомида товар нархлари ўсиш суръати 5,5 % ни таъкил этган (2019 йилнинг январь-март ойларида 4,8 %).

2019 йил ва 2018 йилнинг январь-март ойларида хизматлар деярли тенг суръатларда қимматлашган (мос равишда 2,5 % ва 2,6 %).

2019 йилнинг январь-март ойларида йирик гуруҳлар кесимидаги нархлар ўзгариши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, озиқ-овқат маҳсулотлари ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларига нисбатан сезиларли даражада қимматлашган (6,4 % га қарши 2,8 %).

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилнинг январь-март ойларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, %

ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



— озиқ-овқат маҳсулотлари
— ноозиқ-овқат маҳсулотлари


2018 йилнинг мартига нисбатан 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари 15,3 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 10,4 % га қимматлашган.

Таққослаш учун: 2018 йилнинг январида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ўсиш суръати мос равишда 3,5 % ва 2,3 %, февралда 1,1 % ва 1,3 %, март ойида 1,3 % ва 1,1 % ни ташкил этган. Умумий ҳисобда 2018 йилнинг январь-март ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари ўртача 6,0 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 4,8 % га қимматлашган.

2018 йилнинг ҳар бир ойидаги нархлар ўзгариши ва уларнинг умумий кўрсаткичга таъсири даражаси таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, апрель ва май ойларида хизматлар нархларининг бирмунча ошиб кетганлигини, шунингдек, август ойида нархлар ошиши борасидаги кузатилган тенгликни инобатга олмаганда, нархларнинг қимматлашиши борасида етакчи ўринларни озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари банд этиб келган.

Асосий гуруҳлар бўйича нархлар ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари ўсишига қўшган улушлари динамикаси қуйидаги диаграмма кўринишида тақдим этилган:

Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий турдаги товар гуруҳи нархларининг ўзгариши ва уларнинг ИНИ ўсишидаги таъсир улуши, фоиз даражасида(ф.д.)



2019 йил I чорагининг ҳар бир ойидаги нархлар ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИга таъсири таҳлилларига кўра, ушбу давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларнинг сезиларли даражада кўтарилиши январь ойида қайд этилган бўлиб (1,2 ф.д.), кейинги икки ой давомида нархлар мутлақ равишда пасайиб борган бўлса ҳам (февраль ойида 0,9 ф.д., март ойида 0,6 ф.д.), аммо таъсири бўйича устунлик борасида ўз ўрнини сақлаб қолган.

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши ва уларнинг умумий ИНИга таъсир улуши даражалари аста-секин пасайиб борган (январь – 80,0 %, февраль – 55,7 %, март – 54,3 %). Ўтган давр мобайнида ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ўсиши ва унинг таъсири динамикаси бир маромда кечмаган (январь ойида 13,3 %, февраль ойида 32,9 % гача кўтарилиб, март ойида 23,7 % гача пасайган). Хизматларнинг таъсир улуши эса доимий равишда ўсиб борган (январь ойидан март ойигача 6,7 % дан 22,0 % гача).

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИга таъсири бўйича ҳам ўтган ойга нисбатан ҳисобланадиган қисқа муддатли ўзгаришлар ҳолатни такрорлайди (озиқ-овқат маҳсулотлари таъсир даражаси 80,0 % дан 65,1 % гача пасайиб, хизматлар таъсири эса 6,7 % дан 11,6 % гача ортган). Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсири ҳиссаси январь ойида 13,3 %, февралда 22,2 %, март ойида 23,3 % ни ташкил этган.

2019 йилнинг январь-март ойларида асосий гуруҳлар бўйича нархларнинг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири улуши динамикаси, %

ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



- озиқ-овқат маҳсулотлари
- ноозиқ-овқат маҳсулотлари
- хизматлар

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2018 ва 2019 йилларнинг январь-март ойларида асосий гуруҳлар кўрсаткичларинининг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмасини ўзаро таққослаш натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши таъсир улуши 53,1 % дан 65,1 % гача кўтарилиб, ноозик-овқат маҳсулотлар таъсири 34,7 % дан 23,3 % гача, хизматлар 12,2 % дан 11,6 % гача пасайган.



2019 йилнинг январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш¹ суръати 2,1 % ни ташкил этган.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг I чораги натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши 6,4 % ни ташкил этган бўлсада, умумий натижада чоракнинг ҳар бир ойидаги нархлар ўсиши тенденциясининг секинлашганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, январь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўрта ҳисобда 2,8 % га ошган бўлса, февраль ҳамда март ойлардаги кўрсаткичлар мос равишда 2,0 % ва 1,5 % ни ташкил этган.


2019 йилнинг январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари бўйича ой давомида нархларнинг энг юқори даражада ўсиши мева-сабзавот маҳсулотларида кузатилган бўлиб, бу эса ўз навбатида йилнинг ушбу даври учун табиий ҳол эканлигини билдириб ўтади. Мевалар, сабзавотлар ва картошка нархлари январь ойида 8,3 %, февралда 4,0 %, март ойида 4,5 % га қимматлашган. Жорий йилнинг I чораги давомида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларининг ойлик ўртача ўсиш суръати 5,6 % ни ташкил этган.

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик нарх ўзгаришлари қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

¹ ўтган ойга нисбатан чоракнинг ҳар бир ойидаги нарх индекслари ўсишининг ўртача геометрик кўрсаткичи сифатида аниқланади

2019 йил январь-март ойларида асосий гуруҳлар бўйича
озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

ўтган ойга нисбатан, %




Нон маҳсулотлари



Гушт, парранда гушти ва балик



Сут маҳсулотлари



Тухум



Ёғ ва мойлар



Шакар, чой ва
бошқа маҳсулотлар




Мевалар, сабзавотлар
ва картошка



Спиртли
ичимликлари



Умумий
овқатланиш



■ январь

■ февраль

■ март

Умумий ҳисобда йил бошига нисбатан мева-сабзавот маҳсулотлари нархлари уч ой давомида 17,7 % га, жумладан, мевалар 21,9 %, сабзавотлар 20,5 % ва картошка 1,3 % га қимматлашган.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан нархларнинг кўтарилиш борасидаги кейинги етакчи ўринларни сут маҳсулотлари (8,1 %) ҳамда умумий овқатланиш банд этган (8,0 %).

**2019 йилнинг январь-март ойларида
Ўзбекистон Республикаси бўйича
асосий гуруҳга мансуб
озиқ-овқат маҳсулотларининг
истеъмол нархлари индекси**



2019 йилнинг биринчи уч ойи давомида узум (49,5 %), тарвуз (45,1 %), помидор (44,6 %), қовун (34,1 %), карам (26,0 %), нок (25,1 %), бодринг (14,6 %) ва банан (14,2 %) маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада қимматлашди.



2019 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳга мансуб мева-сабзавот маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, ўтган йилнинг декабрга нисбатан, %



Йиллик нарх ўзгаришлари (2019 йил март оyi 2018 йилнинг март ойига нисбатан) таҳлилига кўра, бошқа турдаги маҳсулотларга нисбатан карам (3,1 баравар), сабзи (2,1 баравар), қовун (37,1 %) ва тарвуз (34,9 %), цитрус ҳамда курук мевалар (мос равишда 17,2 % ва 17,0 %) нархлари бирмунча юқори суръатларда қимматлашган. Шу билан бир қаторда саримсоқ (41,6 %), узум (33,0 %), картошка (26,2 %), пиёз (19,0 %) ва олма (18,6 %) нархлари арзонлашган.

2019 йилнинг I чораги давомида сутли маҳсулотлардан қатик, чучук қатик (12,5 %) ва янги соғилган сут (11,6 %) нархлари бошқаларга нисбатан юқорирок даражада қимматлашди.


**2019 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон
Республикаси бўйича асосий турдаги сўт маҳсулотларининг
истеъмол нархлари индекси**



Жорий йилнинг I чорагида кузатилаётган асосий турдаги бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан гуруч (5,6 %), буғдой уни ва суякли мол гўшти (2,2 %), кўй гўшти (1,7 %) нархлари сезиларли даражада ошган. Бундан ташқари қайнатилган ва ярим дудланган колбаса (10,4 % ва 10,1 %), макарон ва макарон маҳсулотлари (7,9 %), сариёғ (7,7 %), мош (7,3 %), тирик ва совутилган балиқ (6,2 %) ва қандолат маҳсулотлари (5,6 %) нархлари ҳам қимматлашган.

2019 йилнинг март ойидаги нархларни 2018 йилнинг мос ойидаги нархлар даражаси билан таққослаганда, 1-навли буғдой унидан тайёрланган нон нархлари 1,7 баравар, олий навли буғдой унидан 1,6 баравар, гуруч 1,6 баравар, тирик ва музлатилган балиқ 25,7 %, буғдой уни 14,7 %, спиртли ичимликлар 12,1 %, тухум 11,2 % ва қандолат маҳсулотлари нархлари 10,8 % га қимматлашган. 2018 йилнинг март ойига нисбатан нўхат ва ловия нархлари эса аксинча 9,2 % ва 3,9 %, шакар 4,2 % га арзонлашди.

2019 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, %



2019 йилнинг январь-март ойлари давомида бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан спиртли ичимлик товарлари нархларининг 6,0 % га қимматлашганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарорига асосан, мамлакатда ишлаб чиқарилувчи спиртли ичимликларга нисбатан акциз солиқ ставкалари оширилди:

- ✓ *табиий вино – 1 дал учун 6994 сўмдан 7700 сўмгача;*
- ✓ *коньяк – 1 дал учун 73 997 сўмдан 92500 сўмгача;*
- ✓ *пиво – 1 дал учун 7699 сўмдан 9200 сўмгача;*
- ✓ *ароқ ва бошқа спиртли ичимликлар – 1 дал учун 67571 сўмдан 84500 сўмгача.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги №158, 2018-85-сон қарорлари асосида спиртли ичимлик маҳсулотлари* учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлари қиймати белгиланди:

(1 литр тайёр маҳсулот нархи, сўмда)

Сотилаётган маҳсулот номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг минимал улгуржи сотиш нархлари	Минимал чакана сотиш нархлари
Вино	8 000	9 600
Коньяк	29 000	34 600
Ароқ ва бошқа спиртли ичимликлар	19 400	23 200

*пиводан ташқари

2019 йилнинг январь-март ойларида ноозик-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 %ни ташкил этиб, 2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан нархлар 2,8 %га қимматлашди.

Йиллик таҳлил натижаларига кўра (2019 йил март ойи 2018 йилнинг март ойига нисбатан), ноозик-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 10,4 % га ошган.

Таққослаш учун: 2018 йилнинг январь-мартида истеъмол нархларининг ойлик ўртача ўсиш суръати 1,6 % ни ташкил этган.

2018 йилнинг биринчи уч ойи давомида ушбу гуруҳ товарлари нархлари ўртача 4,8 % га ошган.

2017 йилнинг мос ойига нисбатан нархларнинг ўсиш суръати 19,5 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозик-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, %



2019 йилнинг I чораги давомида кийим-кечак ва оёқ кийим нархлари март ойида (мос равишда 1,7 % ва 1,3 %), газлама ва эшилган иплар, маиший тўқимачилик маҳсулотлари (мос равишда 1,8 % ва 2,1 %), шунингдек, маданий моллар ва алоқа воситалари (мос равишда 5,9 % ва 9,5 %) февраль ойида, шахсий гигиена маҳсулотлари (2,1 %) эса март ойида сезиларли даражада қимматлашди.


Ушбу давр мобайнида автомобиллар учун ёқилғи нархлари ўзгариши динамикаси бир маромда бўлмади: январь ойида нархларнинг 0,7 % га ошганлиги қайд этилган бўлса, февраль ва март ойларида эса аксинча, нархларнинг бироз пасайганлиги қайд этилган (мос равишда 0,1 % ва 0,3 %).

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида тамаки маҳсулотлари нархлари 2018 йилнинг декабрь ойидаги нархларга нисбатан барқарорликни сақлаб қолган.

Қурилиш материаллари нархлари ўзгариши диапазони 2019 йилнинг январь ойидан март ойигача 0,1 % дан 0,5 % гачани ташкил этган.

2019 йилнинг январь-март ойларида ноозик-овқат маҳсулотларининг ойлик истеъмол нархлари ўзгариши динамикаси қуйидаги шаклда тақдим этилган:

**2019 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси
бўйича ноозик-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг
истеъмол нархлари индекси динамикаси**



2019 йилнинг январь-март ойларида гуруҳнинг ўртача кўрсаткичидан юқори даражада (2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан ноозик-овқат маҳсулотлар 2,8 %) китоб, газета ва журналлар (17,0 %), алоқа (10,1 %), ювиш ва тозалаш воситалари (8,9 %), маданий моллар (6,6 %), асосий турдаги маиший товарлар ва электр жиҳозлар (6,4 %), кийим-кечак (3,6 %), маиший тўқимачилик маҳсулотлари (3,4 %), ошхона жиҳозлари (3,3 %) ва мебель (2,9 %) нархлари қимматлашган.

2018 йилнинг март ойидан 2019 йилнинг март ойига қадар маиший эҳтиёжлар учун ишлатиладиган ёқилғи (1,7 баравар), босма нашр маҳсулотлари (19,4 %), автомобиллар учун ёқилғи (18,4 %), тамаки маҳсулотлари (17,6 %) ва алоқа воситалари (16,2 %) нархлари сезиларли суръатларда қимматлашган.

 **2019 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси, %**


Гуруҳлар номи	2018 йилнинг декабрига нисбатан	2018 йилнинг мартига нисбатан
Кийим-кечак	103,6	110,0
Оёқ кийим	102,7	108,5
Газлама ва эшилган иплар	102,5	108,9
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	103,4	110,0
Маданий моллар	106,6	106,5
Қурилиш материаллари	100,7	106,5
Шахсий гигиена маҳсулотлари	103,1	107,0
Алоқа воситалари	110,1	116,2
Тамаки маҳсулотлари	100,0	117,6
Автомобиллар учун ёқилғи	100,3	118,4

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг 2018 йилнинг декабрь ойидаги нархларга нисбатан ошиши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари ўсишига таъсири жиҳатидан устунлик кийим-кечак (нархлар 3,6 % га кўтарилиб, таъсир улуши 0,3 ф.д.), ювиш ва тозалаш воситалари (нархлар 8,9 % га кўтарилиб, таъсир улуши 0,1 ф.д.), асосий турдаги маиший товарлар ва электр жиҳозлар (нархлар 6,4 % га ошиб, таъсир улуши 0,1 ф.д.) гуруҳи нархларига тегишлидир. 2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг март ойида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши умумий йиғиндиси ва уларнинг таъсири натижасида ИНИ 0,5 ф.д. га ошган.

Оёк кийим, алоқа воситалари ва шахсий гигиена маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши умумий ИНИ ошишига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг натижасида ИНИ яна 0,2 ф.д. да катталашган.

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида аҳоли учун пуллик хизматлар нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йил март ойида аҳоли учун пуллик хизматлар тарифлари ўртача 2,5 %, 2018 йилнинг март ойига нисбатан эса 15,7 % га кўтарилган.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг I чорагида нархларнинг ўсиши борасида етакчи поғоналарни дам олиш (7,5 %), таълим (6,8 %) ва маиший хизматлар (5,2 %) нархлари банд этган.

Ҳар бир хизматлар гуруҳининг салмоқ вазнларини ҳисобга олган ҳолда нархларнинг ўсиши ва уларнинг умумий ИНИГа таъсири бўйича етакчи ўринларни маиший хизматлар (таъсири 0,18 ф.д.), таълим (0,12 ф.д.) ва алоқа хизматлари (0,8 ф.д.) нархлари эгаллаган. Ушбу гуруҳлар индекслари йиғиндиси жорий йилнинг январь-март ойларидаги умумий ИНИГа 0,38 ф.д. да таъсир этган (умумий хизматлар ҳажмининг 69,1 % и).



Йил бошидан ўтган уч ой давомида маиший турдаги хизматлар нархлари февраль ойида (3,5 %), йўловчи ташиш транспорти хизматлари январь ойида (0,9 %), алоқа, маданият муассасалари ва таълим хизматлари март ойида (мос равишда 3,9 %, 3,2 % ва 6,2 %), дам олиш хизматлари январь ойида (4,2 %), тиббиёт хизматлари февраль ойида (1,1 %) сезиларли даражада қимматлашган. Ўтган давр мобайнида уй-жой коммунал хизматлари нархларида жиддий ўзгаришлар кузатилмаган.

**2019 йилнинг январь-март ойларида
Ўзбекистон Республикаси бўйича алоҳида
турдаги аҳоли учун пуллик хизматларнинг
истеъмол нархлари индекси, %**



Хизматлар номи	Ўтган ойга нисбатан		
	январь	февраль	март
Маиший	101,2	103,5	100,5
Уй-жой коммунал	100,1	100,1	100,3
Йўловчи ташиш транспорти	100,9	100,2	100,0
Алоқа хизматлари	100,1	100,2	103,9
Маданият муассасалари хизматлари	100,5	100,2	103,2
Таълим хизматлари	100,3	100,2	106,2
Спорт хизматлари	100,5	101,4	101,3
Дам олиш хизматлари	104,2	101,9	101,3
Тиббий	100,2	101,1	100,3

Олий таълим муассасаларида шартнома асосида ўқитиш тўловлари миқдорининг қимматлашиши 2018 йилнинг 1 ноябридан ЭКОИХ миқдорининг оширилганлиги билан боғлиқ бўлиб, шартнома тўловларининг 10,0 % га оширилиши жорий йилнинг I чорагидаги инфляция суръатига 0,11 ф.д. да таъсир этган.

2019 йилнинг 1 март кунидан “Ўзбектелеком” АКнинг “Телекоммуникациянинг универсал хизматларига тарифларнинг чегаравий даражалари” №125-1/1-сон буйруғи асосидаги янги нархноманинг амалиётга жорий қилиниши алоқа хизматлари тарифларининг қимматлашишига сабаб бўлди.

Маълумот учун: шаҳар телефон тармоғидан фойдаланиш учун абонентлик тўлови 3000 сўмдан 5800 сўмгача оширилди (1,9 баравар).

2019 йилнинг март ойидан кузатилаётган бошқа турдаги хизматлардан Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғига кириш чипталари нархлари сезиларли даражада қимматлашди (нархлар ўртача 56,3 % га ошди).

2019 йилнинг январь-март ойларида **саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси** 9,9 % га кўтарилиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 3,2 % ни ташкил этган.

Таққослаш учун: 2018 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўрта ойлик ўсиш суръати 1,4 % ни ташкил этган. 2018 йилнинг биринчи уч ойида ушбу фаолият тури бўйича нархлар ўртача 4,4 % га кўтарилган.

**Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархларн индекси, %**

	ўтган ойга нисбатан			2019 йил март 2018 йилнинг декабрига нисбатан
	январь	февраль	март	
Саноат фаолияти	108,8	101,0	100,0	109,9
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	100,6	101,5	98,5	100,6
Кўмир ва лингит қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	100,6	101,5	98,4	100,6
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	99,7	103,3	99,3	102,4
Ишлаб чиқариш саноати	111,4	101,0	100,4	113,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,8	100,3	101,1	102,2
Ичимликлар ишлаб чиқариш	100,9	100,4	99,9	101,2
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	86,1	100,0	96,5	83,0
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99,9	100,2	99,7	99,8
Кийим ишлаб чиқариш	100,9	108,2	100,6	109,8
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	100,2	107,9	103,0	111,4
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	133,1	100,0	133,1
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,8	112,2	100,0	113,0
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	105,8	98,6	98,9	103,2

	<i>ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2019 йил март 2018 йилнинг декабрига нисбатан</i>
	<i>январь</i>	<i>февраль</i>	<i>март</i>	
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	134,4	100,6	100,1	135,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	100,0	104,2	101,2	105,5
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	96,4	100,9	98,8	96,1
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	100,2	101,9	103,9	106,1
Металлургия саноати	171,9	100,1	100,2	172,4
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	114,5	100,1	100,1	114,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	100,0	99,5	100,0	99,5
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	100,2	100,3	99,9	100,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	100,7	100,0	100,0	100,7
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	108,6	104,5	107,1	121,5
Мебель ишлаб чиқариш	101,0	100,0	100,0	101,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	106,1	99,0	99,8	104,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	100,5	100,0	100,0	100,5

Қуйидаги инфограмма маълумотларда акс этганидек, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти соҳасидаги нархларнинг асосий қимматлашиш даври 2019 йилнинг февраль ойида қайд этилган бўлиб, бу эса ўз навбатида хом нефть, кўмир ва табиий газ қазиб олиш (ой давомида 1,5 %) ва тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият (ой давомида 3,3 %) нархларининг сезиларли даражада кўтарилганлиги билан бевосита боғлиқ

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти нархлари индекси, %




ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига нисбатан



ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



2019 йилнинг I чорагида табиий газ конденсати 4,6 %, табиий газ қазиб олиш нархлари 0,5 % га қимматлашган бўлса, хом нефть, битумга оид турлардан олинган нефть нархлари аксинча 5,6 % га арзонлашди.

Йил бошидан хом ёки тозаланмаган олтингугурт қазиб олиш 28,5 %, оҳактош 20,5 %, табиий қум 5,1 %, шағал нархлари 2,3 %га қимматлашган. Гравий ва каолин қазиб олувчи корхоналар ўз маҳсулотлари нархларини мос равишда 17,8 % ва 6,8 % га арзонлаштирдилар.

**2019 йилнинг январь-март ойларида
тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти
нархлари индекси, %**

ўтган йилнинг декабрига нисбатан



**Кўмир ва лигнит
қазиб олиш**

100,0 %



**Хом нефт ва табиий газ қазиб
олиш**

100,6 %



**Тоғ кон саноати билан боғлиқ
бошқа фаолият**

102,4 %

2018 йилнинг мартига нисбатан 2019 йилнинг март ойида ишлаб чиқарувчиларнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятидаги нархларни 2,1 бараварга, жумладан кўмир ва лигнит қазиб олш 1,8 % бараварга, хом нефть ва табиий газ 2,4 бараварга, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият нархларини 17,2 % га оширдилар.

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархлари ўзгаришига кўра, нархларнинг сезиларли даражада кўтарилиши январь ойида қайд этилиб (11,4 %), февраль ва март ойларида эса ўсиш суръатларининг секинлашганлигини кўриш мумкин (ой давомида нархлар мос равишда 1,0 % ва 0,4 % га ошган).

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари нархлари индекси, %




ўтган ойга нисбатан



ўтган йилнинг декабрига
нисбатан



ўтган йилнинг мос ойига
нисбатан



2019 йилнинг дастлабки уч ойи давомида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари 13,0 % га кўтарилган.

2019 йилнинг январь-март ойлари давомида нархларнинг ошиши бўйича етакчи учлик қуйидаги фаолият турлари хиссасига тўғри келади: металлургия саноати (нархлар ўсиши 72,4 %), кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш (35,3 %) ва мебелдан ташқари ёғоч ва пўкак буюмлар ишлаб чиқариш (33,1 %).

Металлургия саноати маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада қимматлашиши январь ойида қайд этилган бўлиб (71,9 %), февраль ва март ойларида нархларнинг ўсиш суръати мос равишда 0,1 % ва 0,2 % ни ташкил этган.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам нархларнинг сезиларли даражада қимматлашиши январь ойида кузатилган бўлиб (34,4 %), кейинчалик февраль ойида 0,6 %, март ойида 0,1 % га ошган.

Мебелдан ташқари ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархларини февраль ойида сезиларли даражада оширган бўлса (33,1 %), январь ва март ойлари давомида нархлар даражаси барқарор сақлаган.

**2019 йилнинг январь-март ойларида
саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархларининг ўсиши
бўйича етакчи уҳлик, %**

Ўтган йилнинг декабрга
нисбатан



2019 йилнинг январь-март ойларида асосий фаолият турлари кесимидаги нархлар ўзгариши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, металлургия саноати нархлари индекси қимматбаҳо металл нархларининг қимматлашиши таъсирида шаклланиб (нархлар 2,0 бараварга ошган), ишлов берилмаган (ярим ишлов берилган) ёки кукун шаклидаги олтин (2,1 баравар), ишлов берилмаган (ярим ишлов берилган) ёки кукун шаклидаги кумуш (1,4 баравар), ишлов берилмаган, тозаланган мис (6,2 %), мис сим (5,5 %) ва ишлов берилмаган рух (2,8 %) нархларининг қимматлашиши шулар жумласидандир. Чўян, пўлат ва темир қотишмаларни ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар 2018 йилнинг декабрь ойларидаги нархлар даражасида сақланиб қолган.

Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг қуйидаги маҳсулотлари нархларида қимматлашиш рўйхатга олинган: бирламчи формалардаги солиштирма оғирлиги 0,94 дан кам бўлган полиэтилен (3,2 баравар), техник олтингугурт (2,1 баравар), турли концентрациядаги этил спирти ва бошқа денатурланган спиртлар (46,5 %), сульфат кислотаси (38,2 %), динатрий карбонати (33,6 %), бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусоч ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари) (20,8 %), сублимация қилинган ёки чўктирилган олтингугурт, коллоид олтингугурт (10,0 %).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №249-сон қарорига асосан, техник олтингугурт ва бирламчи формалардаги полиэтилен нархлари давлат томонидан назорат қилинувчи маҳсулотлар рўйхатидан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №05-02-22-16-Ўз-1-2019-сонли деклорациясига асосан 2019 йилнинг январь ойидан денатурланган ва бошқа турдаги спирт нархлари қимматлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 март кундаги №249-сон қарорининг 2-иловаси асосида этил спирти нархлари давлат томонидан назорат қилинувчи ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга товар (хизмат)лар рўйхатига киритилган.

Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги ёғочдан эшиклар, уларнинг коробкалари ва остоналари нархлари сезиларли даражада қимматлашган (2,1 баравар).

Шунингдек, 2019 йилнинг I чораги давомида бошқа турдаги транспорт воситалари ишлаб чиқариш соҳасидаги темир йўл вагонлари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, йўл ускуналари ва мосламалари нархларининг ҳам 28,6 % га ошганлиги қайд этилган.

Қуйидаги жадвалда 2019 йилнинг январь-март ойлари давомида бошқа нометалл маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасининг алоҳида турдаги маҳсулотлари нархлари индекси тақдим этилган:

2019 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг алоҳида турдаги бошқа нометалл минерал маҳсулотлар нархлари индекси, %
ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Нархларнинг ўсиши

✓ Ковак шиша буюмлар ишлаб чиқариш	105,2 %
✓ Ўтга чидамли ғиштлар	123,5 %
✓ Қурилиш учун ўтга чидамсиз керамик ғиштлар	109,6 %
✓ Портландцемент	112,5 %
✓ Асфальтли аралашмалар	120,3 %
✓ Шлак пахта, минерал силикат пахта	137,8 %

Нархларнинг пасайиши

✓ Листланган шиша	99,4 %
✓ Бошқа тобланган хавфсиз шиша (автомобиль учун)	99,9 %
✓ Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари	98,8 %
✓ Қурилишда, безанда ёки хайкалтарошликда ишлатиладиган ишлов берилган тош ва ундан тайёрланган бошқа буюмлар	93,2 %

Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқарувчилар нархлари 14,7 % га, жумладан, қурилиш металл конструкциялари ва буюмлари 25,9 %, электрэйли пайвандлаш маҳсулотлари 1,0 % га ошган.

2019 йилнинг февраль ойида қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,2 % га, жорий йилнинг январь-март ойлари умумий натижаларига кўра ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 13,0 % га қимматлашган. Гофрировка қилинган қоғоз ва картондан ясалган қутилар, яшиқлар ва қутичалар нархлари 29,7 %, бошқа толали материаллардан (ёғочдан ташқари) олинган целлюлоза (масса) нархлари 7,9 % га кўтарилган.

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ойлик нархлар ўзгариши динамикасига кўра, жорий йилнинг январь ойида нархларнинг бирмунча юқори суръатда ошганлигини (5,8 %), кейинги ойлар натижалари бўйича эса нархларнинг бироз пасайганлиги кўриш мумкин (февраль ойида 1,4 %, март ойида 1,1 %).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 29 декабрдаги “Табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши шароитида иқтисодийнинг базавий тармоқларини янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4088 қарорига асосан, 2020 йил 1 январидан бошлаб нефть маҳсулотларига акциз солигининг ҳисобланган миқдори углеводородларни импорт қилиши ва ушбу мақсадлар учун жалб қилинадиган хизматларнинг ҳаражатларини молиялаштириши, шунингдек, миллий валюта қийматининг ўзгариши ҳисобига салбий фарқни қоплаш “Ўзнефтьмаҳсулот” АЖ тасарруфидаги мақсадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қайд этилган қарор асосида акциз солиқ ставкалари миқдори камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги №4086-сон қарори асосида нефть маҳсулотларининг қуйидаги акциз солиқ ставкалари тасдиқланди:

Товарлар номи	Акциз солиқ ставкалари (1 тонна учун учун, сўмда)	
	№ПҚ-4088 ва №ПҚ-4086 қарорларига	№ПҚ-4088 ва №ПҚ-4086 қарорлари асосида
Нефть маҳсулотлари:		
бензин Аи-80	321 430	32 143
бензин Аи-91, Аи-92, Аи-93	353 430	35 343
бензин Аи-95	408 890	40 889
дизель ёқилғиси	273 400	27 340
ЭКО дизель ёқилғиси	284 250	28 425
авиакеросин	50 580	5 058
дизель ёки карбюратор (инжекторли)	207 000	20 700
двигателлар учун мотор мойлари		

Маълумот учун: ҳалқаро стандартлар талаблари ва миллий услубий низомга асосан саноат маҳсулотлари нархлари индексини шакллантиришида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархлари ҚҚС ва акцизларсиз рўйхатга олинади. Корхоналарнинг сотилаётган маҳсулотлари нархларининг сақланиши билан акциз солиғи қийматларининг пасайиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг кўтарилишига олиб келди.

2019 йилнинг февраль ва март ойларида алоҳида турдаги нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари нархлари пасайиши биржа савдоларида юзага келган ўзгаришлар натижасида содир бўлган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги нарх индексларининг кўтарилишига қарамасдан, алоҳида фаолият турларининг нархларида пасайишлар кузатилган. Хусусан, 2019 йилнинг январь-март ойларида тамаки (17,0 %), резина ва пластмасса маҳсулотлари (3,9 %), электр ускуналари (0,5 %) ва тўқимачилик маҳсулотлари (0,3 %) ишлаб чиқарувчилари нархлари шулар жумласидандир.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари жорий йилнинг январь ойида 13,9 %, март ойида 3,5 % га арзонлашиши республикада ишлаб чиқарилаётган тамаки ва тамаки маҳсулотларига нисбатан жорий қилинган янги акциз солиқ ставкалари натижасида вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарорига асосан, 2019 йилда ишлаб чиқариладиган тамаки (филтрли ёки филтрсиз) ҳамда тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи ставкаси 1000 донаси учун 117 900 сўм этиб белгиланди.

Юқорида қайд этилган қарорнинг “9-б” бандига мувофиқ, 2019 йил 1 мартдан қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда, акциз ва қўшилган қиймат солиқларини инobatга олмаганда сотилган маҳсулотлар қийматидан 4 % миқдоридан адвалор ставкасининг киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигареталарга акциз солиғининг аралаш ставкаси жорий қилинди.

Шунингдек, қайд этилган қарор асосида 2019 йилнинг 1 июлдан бошлаб алкоголь ва тамаки маҳсулотларига белгиланган ставкаларни қўшимча равишда 20 % гача ошириш режалаштирилган.

Маълумот учун: ҳалқаро стандартлар талаблари ва миллий услубий низомга асосан, саноат маҳсулотлари нархлари индексини шакллантиришида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархлари ҚҚС ва акцизларсиз рўйхатга олинади. Корхоналарнинг сотилаётган нархларининг сақланиши билан акциз солиғи қийматларининг кўтарилиши натижасида тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг пасайишига олиб келди.

Резина ва пластмасса буюмлар, электр жиҳозлар ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги нархларнинг арзонлашиши саноат мақсадларида биржа савдолари ва қийматларда харид қилинган моддий ресурслар харажатлари билан бевосита боғлиқ.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг март ойида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархлари индекси 104,8 %, 2018 йилнинг март ойига нисбатан эса 181,4 % ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %




Ўтган ойга нисбатан



Ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



Жорий йилнинг I чораги давомида электр-энергия ва кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ ишлаб чиқаришдаги нархлар 2018 йилнинг сўнггидаги нархлар даражасида сақланиб қолган.

Иссиқлик қуввати ишлаб чиқариш нархлари 1,7 бараварга қимматлашган бўлса, газ билан таъминлаш тизими орқали газсимон ёқилғини тақсимлаш нархлари аксинча 6,9 % га арзонлашди.

2018 йилнинг март ойига нисбатан йиллик нарх ўзгаришлари маълумотларига асосан, электр-энергия ва иссиқлик қуввати ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар мос равишда 1,8 ва 1,9 бараварга, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархлари 2,2 бараварга кўтарилган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш йўналишидаги нархлар динамикаси нисбатан барқарор сақланиб қолиб, жорий йилнинг I чораги давомида нархлар фақатгина 0,5 % га кўтарилганлиги қайд этилган.

2019 йилнинг январь-март ойларида сув билан таъминлаш канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %




Ўтган ойга нисбатан



Ўтган йилнинг декабрга нисбатан



Ўтган йилнинг мос ойга нисбатан



Йил бошидан сувни йиғиш, қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш нархлари 1,0 % га, оқава сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш 1,3 % га қимматлашди.